

## Ўзбекистон Республикаси

### Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот

2019 йил 28 июнь  
соат 15-00

Давлат статистика қўмитаси  
3-кават, мажлислар зали

**Ўрганиш соатларини ўтказувчи:** Қ.Мусаев – Юридик бўлим бошлиғи

**Қатнашдилар:** Қўмита марказий аппарати  
бошқармалари ва бўлимлари  
ходимлари (10 киши)

**Ўрганиш соатларида ўтилган мавзулар:**

*Маърузачи – Ш.Ахунов*

1. *Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎРҚ-518-сон Қонуни ҳақида*

Тадбирда маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎРҚ-518-сон Қонуни ҳақида бўйича тушунтиришлар бериб борилди. Қонунда асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонун 56-моддадан иборат бўлиб, унда халқаро шартномаларнинг тушунчаси, тузиш тартиби, халқаро шартномаларини эълон қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш, халқаро шартномаларини бажаришга доир чора-тадбирлар, халқаро шартномасининг ҳақиқий эмаслиги, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш каби масалалар тўлиқ ёритиб берилган.

Халқаро шартномаларни тузиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари куйидагича тузилади:

Ўзбекистон Республикаси номидан — давлатлараро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан — ҳукуматлараро шартномалар;

давлат органлари номидан ўз ваколатлари доирасида — идоралараро шартномалар.

Халқаро шартномаларда музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш тўғрисидаги қарорлар, агар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузиладиган шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномаларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, ушбу шартномалар билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Шунингдек, йиғилган иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маърузачи саволлар беришди ҳамда белгиланган муддатда ва қизиқарли ўтказилди.